

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15427168>

О.Х.Узоқов.

Бух.ДУ «Гелиофизика, ҚТЭМ ва электроника» кафедраси доценти,

Насимов Хасан

Элек-24 гуруҳи талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада замонавий педагог ва унинг образи, ўқитувчи шахсига қўйиладиган асосий талаблар ва ҳозирги замон ўқитувчисига бўлиши керак бўлган асосий хислатлар батафсил ёритиб берилган. Илбиди талаб этилмайдиган ҳақиқат шуки, педагогик маҳорат ўқитувчи сифатининг муҳим таркибий қисмидир. Замонавий ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси бўлиши керак ва зарур.

Калит сўзлар

замонавий ўқитувчи, образи, педагогик маҳорат, педагогик мулоқот, ижодкор, нотик, ташаббускор, касбий маҳорат.

Annotation

This article describes in detail the modern teacher and his image, the main requirements for the teacher's personality, and the main qualities that a modern teacher should have. It is an indisputable fact that pedagogical skills are an important component of the quality of a teacher. A modern teacher should and must be the author, developer, researcher, user, and promoter of new pedagogical technologies, theories, and concepts.

Key words

modern teacher, image, pedagogical skill, pedagogical communication, creator, speaker, initiator, professional skill.

Устоз мисли ёниб турган шамга ўхшайди. Ўзи ёниб атрофга нур-зиё таратади. Маълумки, ҳамма касбларни ҳам аввало устоз-муаллим ўргатади. Устоз -илм ўргатувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, тарбияловчи мураббийдир. Дастлабки сабоқни ҳам ўқитувчи беради. Дастлабки она-Ватан сўзларининг маъносини, моҳиятини ҳам ўқитувчи ўргатади. Шунинг учун ҳам барча касблар ичида ўқитувчилик-муаллимлик касби ўта шарафли ва масъулиятли

ҳисобланади. Зеро, Президентимизнинг "Ўзбекистонда бугундан бошлаб, энг ҳурматли, энг эъзозли инсон — бу муаллим!" ёки "Ўқитувчини ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман!", деб таъкидлаб айтганлари ўқитувчилик касбининг нечоғлик шарафли касб эканлигидан далолат беради. Мана шу ўринда табиий равишда савол туғилади. Хўш, ўқитувчи ким? У қандай сифатларга эга бўлмоғи лозим? Хусусан, бугунги кун ўқитувчиси қандай малакалар билан қуроллантирилмоғи даркор? ва бошқалар.

Ўқитувчи жамиятнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қўйилган ижтимоий буюртмасининг асосий иштирокчисидир. Шунинг учун ҳам республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев "Тарбиячи-устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифий зиёсидан баҳраманд этиш, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун энг аввало тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериши лозим," - деган эди. Дарҳақиқат, ўқитувчилик касбида чуқур билимдонлик, зукколик ўз касб маҳоратини мунтазам шакллантириб боришга иштиёқ бўлмас экан, у яхши устоз-ўқитувчи бўла олмайди. Зеро, давлатимизнинг истиқболи, Президентимиз томонидан олға сурилаётган барча ислохотларнинг ижобий ечими ва ана шу кўп мингйиллик зиёкорлик ишининг самараси бўлди. Шунинг учун ҳам бугунги мустақиллик шароитида ўқитувчилик касбига бўлган эътибор ва эҳтиёж ҳар қачонгига нисбатан ортиб бормоқда. Шунинг билан бирга ўқитувчи олдида қўйиладиган талаблар ҳам ўзгача бўлмоқда. Чунки бугун Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутар экан, бу борада педагог ўқитувчиларнинг ўз ўрни, ўзига хос моҳияти борлигини унутмаслик лозим.

Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши зарур?

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ушбу муаммо бўйича кўплаб педагог ва психолог олимлар ўз фикр ва мулоҳазалари билан чиқдилар. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, қадриятларимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида шакллантириш учун методик қўлланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом этмоқда. XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Эндиликда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак маҳоратни, ўткир иродани, психологик қувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилади.

Замонавий ўқитувчи янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси бўлиши зарур. Ҳозирги таълим тараққиёти шароитида ўқитувчининг инновацион фаолиятига бўлган зарурият қуйидагилар билан ўлчаниши мумкин:

1. Ижтимоий-иқтисодий янгилашни таълим тизими, методология ва ўқув жараёни технологияларини тубдан янгилашни талаб қилади. Бундай шароитда ўқитувчининг инновация фаолияти педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва фойдаланишдан иборат бўлади;
2. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш доимо ўқитишнинг янги ташкилий шакллари, технологияларини қидиришни тақозо қилади;
3. Педагогик янгиликни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг муносабати характери ўзгариши.

Ҳозирги замон ўқитувчиси ўз мутахассислигига оид билимлар билан бирга, педагогик ва психологик билимларни, ҳамда турли фан ёъналишлари бўйича махсус билимларга эга бўлган, касбий тайёргарлик, юксак ахлоқий фазилатларни эгаллаган, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуқтаи назардан ҳозирги кунда қуйидаги бурч ва масъулиятлар ўқитувчилардан талаб қилинади:

- Ўқитувчи энг аввало масъулиятни ҳис этувчи тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тарғиботчисидир.
- Ўқитувчи табиатан ўқувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ўқувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уларнинг ҳам меҳрига, хурматида сазовор бўлиши керак.
- Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб этиши ва уларга ҳолисона баҳо бериб, бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни доимий бера олиши лозим.
- Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот-коммуникатсион технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб этилади.
- Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши.
- Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши керак.

- Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

- Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

- Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, юз, қўл-оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қоидаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.

- Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттириши керак: турли шева сўзлардан ҳоли бўлиб, факат адабий тилда ифода этилиши; ўқитувчининг нутқи содда, раван ва тушунарли бўлиши; ҳикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли фойдалана олиши лозим. Жаргон (муайян касб ёки соҳа мутахассисликларига хос сўзлар), варваризм (муайян миллат тилида баён этилаётган нутқда ўзга миллатларга хос сўзларни ноўрин қўлланилиши), вулгаризм (ҳақорат қилиш, сўкишда қўлланиладиган сўзлар) ҳамда конселяризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий сўзлардан фойдаланиш) каби норасмий сўзлардан ҳоли бўлиши.

- Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавда, юз қиёфаси, ҳатто, соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийиниши талаб этилади.

- Ўқитувчи таълим муассасасида синф жамоасининг асосий ташкилотчиси ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг энг фаол иштирокчисидир.

- Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси эканлигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида педагогик маҳоратнинг бир қатор сифатларини узлуксиз таркиб топтириб бориши зарур.

- Ўқитувчи энг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мустақил равишда мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олиши керак.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, замонавий педагог юксак маданиятли, нотик, ўқувчиларни севувчи, меҳрибон, ижодкор, ўз фанини чуқур билувчи, психолог, замонавий техникалардан фойдалана олувчи, қобилиятли шахс бўлиши керак. Ўқитувчи бола қалбининг инженери дидир.

Ўқитувчилик касби юксак шарафли касбдир. Бу касб ҳеч бир касбга ўхшамайди. Таникли рус педагоги А.С.Макаренко ўқитувчилик касбига жуда юқори баҳо бериб, унга шундай таъриф беради: «Тарбиячи ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ ёки жаҳлдор бўлишни билиши лозим, у ўзини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати, юриш-туриши, кийиниши болаларни тарбияласин. Бу таърифдан шундай хулосага келиш мумкинки, педагог ҳар томонлама мукамал, ўқувчилар учун идеал шахс бўлиши лозим. Ҳаттоки, педагогнинг кийиниши ҳам болаларни тарбияласин».

Ўқитувчилар ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва лўнда баён этилишига аҳамият қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан бошламаслиги, аксинча, ўқувчиларнинг (ёки ҳамкасби, ота-оналар) муваффақиятларини эътироф этишлари, уларни янада бойитишга ишонч билдириши билан мулоқотни ташкил қилиши лозим. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб турсин. Ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи киёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг ўқитувчилик касбига нисбатан қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормокда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқ. Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи аввало синфдаги тарбиявий жараённинг ташкилотчисидир. Ўқитувчи тарбиячи сифатида қуйидаги талабларни билиши лозим:

- шахсни маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашда миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватанига, табиатга ва оиласига бўлган мухаббати;
- касбий билимларни пухта билиш билан бирга, турли билимлардан хабардор бўлиши;
- ёш педагогик психология, педагогика ва психология, ёшлар физиологияси, тарбиявий иш методикаси, мактаб гигиенасидан ўз касбига оид билимларни мукамал билиши;
- ўз касби бўйича жаҳон фанида эришилаётган сўнгги ютуқлар, тарбия технологияси, компютер ва ахборот технологиялари, янгиликларидан доимий хабардор бўлиб бориши;

- таълим-тарбия методикасидан кўникма ва малакаларини ошириб бориши;
- ўз касбига ижодий ёндашиши;
- педагогик техника (мантик, нутқ таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

- ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳоратнинг асосий қонуниятлари оз меҳнат сарф қилиб, улкан натижаларга эришиш. Ижодкорлик унинг ҳамيشа ҳамроҳи бўлади. Педагогик фаолиятга қизиққан, қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат ҳислатлари шаклланиб боради. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Ўқитувчи ўқувчи шахсини шакллантиради, кутилмаган вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилади, педагогик муаммоларни ечади, ўқув жараёнини мустақил бошқаради. Буларнинг ҳаммаси ижодкорликнинг туб моҳияти, ишнинг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчигина. ўз касбий фаолиятида улкан зафарларга эришади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий педагог ўз фанини чуқур билиши, педагогик маҳоратга эга бўлиши билан биргаликда чет тилларини ҳам билиши лозим. Масалан, бошланғич синф ўқитувчиси ҳам инглиз тилини ҳеч бўлмаганда мукамал даражада бўлмаса ҳам қисман билиши керак. Сабаби бошланғич синфларнинг янги нашрдан чиққан математика дарсликларида ўлчов бирликлари инглиз тилида киритилган. Ўқитувчи болага буни тушунтира олиши керак, бунинг учун албатта инглиз тилидан хабардор бўлиши лозим. Замонавий компьютер технологиялари ва смарт доскалар билан ишлаш учун ҳам тил билимдонлиги педагог учун зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 1.Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати-Тошкент.Шарқ нашриёти
2. Педагогик маҳорат дарслик А.Холиқов -Тошкент- 2011
3. Умумий педагогика Б.Х.Ходжаев -Тошкент-2017
4. Педагогик атамалар луғати Тошкент-2008
- 5.Kh U. O., Muhidova O. N. Factor determining the efficiency of innovative activities of a teacher //International journal of discourse on innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 81-84.

6.Мирзаев Ш. М., Узаков О. Х. Испытания адсорбционного гелиохолодильника бытового назначения //Вестн. Междунар. академии холода. – 2001. – №. 1. – С. 38-40.

7.Узаков О. Х. и др. Научные исследования: основы методологии //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 376-386.

8.Узаков О. Сущность некоторых физических научных концепций и приложений //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/5. – С. 287-295.

9.Khamroevich U. O. Innovative technologies and methods training in education //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 1304-1308.

10.Узаков О. Х. Инновационные технологии и методы обучения в образовании. Innovation in the modern education system //International scientific conference,(25th January, 2021)-Washington, USA:" CESS", Part. – 2021. – Т. 1. – С. 22касбий маҳорат1-227.

11.Узаков О. Х. Адсорбционная гелиохолодильная установка //Гелиотехника. – 2000. – Т. 2. – С. 74-78.

12.Узаков О. Х. Философские рассуждение по научным понятиям //Innovation in the modern education system. International scientific conference. – 2021. – С. 7-

13.Kh U. O. The emergence of chaos International Journal of Advanced Academic Studies. – 2020.

14.Kh U. O. CHAOS as the Basis of Order. Entropy as Measures of CHAOS //International Journal of Advansed Research in science, engineering and technology. – 2020. – Т. 7. – №. 12. – С. 16149-16154.

15.Khamrayevich U. O. Methodology and some methods of pedagogical research //Current research journal of pedagogics. – 2022. – Т. 3. – №. 03. – С. 70-79.

16.Кулиева Ш., Узоков О., Назарова Д. Texnik ijodkorlik va konstruksiyalash fanida talabalarning kompetentligini rivojlantirish mazmuni //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/5. – С. 278-285.

17.Узаков О. Х. Сущность некоторых физических научных понятий и области их применения //Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 8. – С. 133-143.

18.Yakubov Y. N. et al. Dependence of energy stored by the receivers located in the field of radiation on their surface area and heat capacity //Гелиотехника. – 1991. – №. 4. – С. 12-16.

- 19.Узаков О. Х., Мухидова О. Н. Современные международные системы оценки гарантия качества образования //Research and education. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 112-120.
- 20.Узаков О. Х., Муртазоев А. Н. У., Тошев Ю. Н. Физические научные понятие и их образования //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 9. – С. 210-218.
- 21.Mirzaev S. M., Uzakov O. K. Solar absorption refrigerating unit //Applied solar energy. – 2000. – Т. 36. – №. 2. – С. 68-71.
- 22.Сайфуллаева Д. А., Узоков А. Х., Ахтамов Б. Р. Методы оценки знаний студентов при обучении специальным предметам //Проблемы современной науки и образования. – 2020. – №. 12-2 (157). – С. 35-38.
- 23.Узаков О., Очилов Ш., Каххоров С. Методология и некоторые методы педагогического исследования //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 351-361.
- 24.Uzakov O. H., Rustam S. ORIGINS OF THE UNIVERSE: NEW, MODERN COSMOLOGICAL AND ASTROPHYSICAL CONCEPTS //British Journal of Global Ecology and Sustainable Development. – 2024. – Т. 26. – С. 1-11.
- 25.Узоков О. Х., Каххоров С. Х. Ўқувчиларнинг ақлий функциялари, ижодий қобилиятлари ва шахсий фазилатларини ривожлантириш усуллари //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 33. – С. 255-262.
- 26.Хамраевич У. О. Востребованные качества личности–в его компетентности //the role of science and innovation in the modern world. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 86-94.
- 27.Узаков О. Х. СОВРЕМЕННЫЕ, НОВЫЕ АСТРОФИЗИЧЕСКИЕ И КОСМОЛОГИЧЕСКИЕ КОНЦЕПЦИИ ПРОИСХОЖДЕНИЯ ВСЕЛЕННОЙ. – 2024.
- 28.Uzakov O., Ponomarova N. Vocational orientation of students as an integral part of the educational process //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 367-371.
- 29.Узаков О. Профессиональная компетентность-это качества присущие самым успешным работникам //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2023. – Т. 33. – №. 33.
- 30.Узаков О. Х. СОВРЕМЕННЫЕ, НОВЫЕ АСТРОФИЗИЧЕСКИЕ И КОСМОЛОГИЧЕСКИЕ КОНЦЕПЦИИ ПРОИСХОЖДЕНИЯ ВСЕЛЕННОЙ. – 2024.
- 31.Uzakov O. X. MODERN, NEW ASTROPHYSICAL AND COSMOLOGICAL CONCEPTS OF THE ORIGIN OF THE UNIVERSE //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2024. – Т. 26. – С. 69-78.

32.Узоков О. КРЕАТИВ КОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА //Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2022. – Т. 2. – №. 17. – С. 281-288.

33.Узоков О. ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 362-367.

34.Turdieva M. J. Preschool age is an important time to focus on creativity //ТЕХНОЛОГІЇ, ІНСТРУМЕНТИ ТА СТРАТЕГІЇ РЕАЛІЗАЦІЇ НАУКОВИХ ДОСЛІДЖЕНЬ. – 2021. – Т. 70.

35.Yakubov Y. N. et al. An increase in the sorbent efficiency in sun refrigerating plants //Applied solar energy. – 1996. – Т. 32. – №. 1. – С. 65-68.